## № 75 сонли ШАРТНОМА

"Гулистон янгиликлари"-"Гулистанские новости" газеталарига 2022 йил учун обуна расмийлаштириш

Гулистон шаҳри 16/XII 2021йил « » __________ 2022 йил

Ўз Низомига асосан иш юритувчи "Гулистон янгиликлари"-"Гулистанские новости" газетаси (бундан буён "ИЖРОЧИ" деб юритилади) томонидан Бош муҳаррир Ф.Ташматов ва ўз Низомига асосан иш юритувчи Вл. Сувоқова шаҳ Сувкв. б-м бошлиғи Тошкулов Юнус.

__________ (бундан буён "Буюртмачи" деб юритилади) ушбу шартномани туздилар;

### 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

"Бюртмачи" обуна маблағи "Ижрочи" хисоб ракамига ўтказади. "Ижрочи" обунани утказиб бериш хизматини кўрсатувчи ташкилотлар оркали ёки ўзи обунани расмийлаштириб, абономентни буюртмачига етказади.

### 2.БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ХАЖМИ ВА БАХОСИ

| Нашрнинг номи | Бир нусханинг йиллик обуна бахоси | Обуна миқдори (нусха хисобидан) | Умумий сумма |
|---|---|---|---|
| Гулистон янгиликлари 1ойда 3 марта | 150 000 | 40 | 6000000 |
| Гулистанские новости 1 ойда 1 марта | 100 000 | 10 | 1000000 |
| Умумий сумма (сўз билан) | | | 7000000 |

### 3.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Буюртмачи" обуна пулини "Ижрочи" хисоб рақамига олдиндан 100 фоиз ўтказади. "Буюртмачи обунани расмийлаштириш учун почта индекслари ва манзилгохлар кайд этилади рўйхатни "Ижрочи"га тақдим этилади.

3.2. "Буюртмачи" обуна расмийлаштирилганлиги хакидаги тегишли хужжатларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган муддатдан кечиктирмай топширилишини "Ижрочи"дан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.3. "Буюртмачи" томонидан обуна пули олдиндан 100 фоизи ўтказиб берилганлигидан сўнг "Ижрочи" ўз зиммасидаги мажбуриятларни адо этишга киришади. "Ижрочи" обунани расмийлаштирилади ва абонементларни "буюртмачи"га етказиб беради.

3.4. Буюртмачи" обуна расмийлаштириш учун зарур бўладиган почта индекслари ва манзилгохлар кайд этилган рўйхатнинг тақдим этилишини "Буюртмачи" дан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

### 4.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Томонларнинг бири ўз мажбуриятларини тўла бажармаган тақдирда, бу томон Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ва мазкур шартномада кўзда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. "Буюртмачи" ўз зиммасига обуна пулини олдиндан 100 фоиз ўтказиб бериш, почта индекслари ва манзилгохлар кайд этилган рўйхатни тақдим этиш билан боғлиқ мажбуриятларни кечиктирган тақдирда ўтказиб юборилган хар бир кун учун ўтказилмаган маблағ ёки бажарилмаган иш хажмининг 0,1 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ миқдорида пеня тўлайди.

4.3. "Ижрочи" ўз зиммасига обуна расмийлаштириш ва абонементларни "Буюртмачи"га топшириш билан боғлиқ мажбуриятларни кечиктирган тақдирда ўтказиб юборилган хар бир кун учун адо этилмаган иш хажмининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган иш хажми суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Ушбу шартнома ёки унинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви билан хал қилинади. Томонларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд оркали хал этилади.

4.5. "Ижрочи" "Буюртмачи"га хар чоракнинг бошида бажарилган иш бўйича хисоб-фактуралар етказиб беради.

### 5. ШАРТНОМАНИНГ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома Ғазначилик бўлимлари мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади. Ушбу шартноманинг ўзгартирилиши ва бекор қилиниши томонлар келишувига кўра амалга оширилади.

5.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, томонлар имзолаганларидан ва мухр билан тасдиқлангандан кейингина ҳуқуқий хисобланади.

5.3. Томонларнинг бири бошқа томоннинг олдига ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини форс-мажор холатларида, яъни томонларнинг эрки ва истагидан ташқари вужудга келган хамда уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган холатларда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

5.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан тартибдасолинади.

5.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан берилади.Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

5.6. Ижрочи томонидан ушбу шартномага масъул __________

### 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ТАШКИЛОТНИНГ ЖОРИЙ ҲИСОБОТРАҚАМИ:
"Гулистон янгиликлари"-"Гулистанские новости"
Газеталари таҳририяти:
Жорий хисоб раками
20210000100673721001
Миллий банк коди:00363
ИНН:200322464 ОКОНХ-87100
Гулистон шаҳри,Бунёдкор кўчаси 49-уй

«SIRDARYO SUV TA'MINOT»
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
GULISTON SH. FIRDAVSIY № 70
H/R: 20208000100134816001
SIRDARYO VILOYAT FILIALI
STIR: 200323842

БОШ МУҲАРРИР Ф.ТАШМАТОВ
ХУҚУҚШУНОС Х.ЖАЛИЛОВ Гувоҳнома рақами ЮК №

ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ __________

Мурожаат учун телефонлар: 67 226-08-18; Фазлат, +99894 580-03-71 +99894 669-32-11; 67 227-52-19
Садриддин +99893 329-56-42; 67 226-49-46
Баҳодир +99893 322-50-50; 67 225-13-51

O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGI

OMMAVIY AXBOROT VOSITASI
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

№ 10-004

Nomi «Гулистон янгиликлари»

Tarqalish shakli Газета
(gazeta, jurnal va boshqalar)

Til(lar)i узбек тилида

Muassis(lar)i Гулистон шахар хокимлиги

Ixtisoslashuvi Ижтимоий-сиёсий

Tahririyat manzili Гулистон шахар Н.Зокиров кучаси 49

Tarqalish hududi Гулистон шахар худудида

Berilgan sanasi 15.12.2006.

Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ rahbari Сирдарё вилоят матбуот ва ахборот бошкармаси бошлиги К.Сарибоев

Ushbu guvohnoma «Ommaviy axborot vositalari to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq berilgan.

O'zbekiston Respublikasining ommaviy axborot vositalari to'g'risidagi qonun hujjatlarini buzish O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga muvofiq jinoiy, ma'muriy, intizomiy va boshqa javobgarlikka sabab bo'ladi.